

ЎҚУВЧИЛАР КРЕАТИВ ФАОЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА  
ТАЙЁРЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Эхсонова Феруза Турдихужаевна

Мактабгача ва бошлангич таълим кафедраси

в\б доценти педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** Креативлик:шахснинг анъанавий фикрлашдан фарқли равишда маълум хатти-ҳаракат, фаолият ёки жараённи самарадорлиги таъминлашига хизмат қилувчи янги гояларни яратиш, шунингдек, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишига бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти саналади.

Шахснинг креативлик потенциали унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шарти ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгаликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир шахснинг шахсий қобилияtlари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади.

Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлигига, янги гояларни яратиш, қобилияти, шунингдек, шахс характерига хос жиҳатлар – бир қолипда фикрламасликда, ўзига хосликда, ташаббускорликда, ноаниқликка тоқат қилишида, заковатли бўлишида акс этади.

**Калит сўзлар:** Креативлик, анъанавий фикрлаш, гояларни яратиш, креатив қобилият, креатив потенциал, креатив дарс.

**Аннотация:** Креативности: способности человека создавать новые идеи, которые служат эффективности определенного поведения, деятельности или процесса, в отличие от традиционного мышления, и описывать готовность человека решать существующие проблемы в позитивном ключе.

Творческий потенциал человека отражается как его общая черта. Это первое условие и результат его творческой деятельности. Это качество относится к способности и желанию человека выражать себя. Кроме того, на основе творческого потенциала отражаются индивидуальные способности, природные и социальные силы каждого человека в целом.

Творческий потенциал тесно связан с творчеством, ориентированным на процесс обучения, в отличие от традиционного мышления скоростью и гибкостью мышления, способностью создавать новые идеи, а также личностными качествами - не думать одинаково, о. Это находит свое отражение в зигзаге, инициативе, терпимости к неуверенности, интеллекте.

**Ключевые слова:** творчество, традиционное мышление, создание идей, творческий способности, творческий потенциал, творческий урок.

## MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

**КИРИШ:** Креативлик: шахснинг анъанавий фикрлашдан фарқли равища маълум хатти-ҳаракат, фаолият ёки жараённи самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти саналади.

Одатда креативлик болаларнинг фаолиятида тез-тез кўзга ташлансада, бироқ, бу ҳолат болаларнинг келгусида ижодий ютуқларни қўлга киритишиларини кафолатламайди. Фақатгина улар томонидан у ёки бу ижодий кўнишка, малакаларни ўзлаштиришлари зарур деган эҳтимолни ифодалайди.

Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, анъанавий тафаккур юритишидан фарқли равища тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлигига, янги ғояларни яратиш, қобилияти, шунингдек, шахс характерига хос жиҳатлар – бир қолипда фикрламасликда, ўзига хосликда, ташаббускорликда, ноаниқликка тоқат қилишда, заковатли бўлишда акс этади.

Одатда ўқувчининг креативлик қобилиятига эга бўлиши муайян муаммоларни ҳал қилишга интилиши, кичик илмий-тадқиқотларини амалга ошириши ва бу жараёна қизиқиши доираси бир хил бўлган тенгдошлар билан ўзаро ижодий ҳамкорликка эришиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчилар ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Уларнинг ижодкорлик қобилиятлари маълум вақт ичидан изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устиларида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради.

Педагогиканинг асосий вазифаларидан бири барча болаларнинг креатив фаолияти ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишдан иборат. Шу билан бир қаторда муайян соҳаларда чукур қизиқишиларини, интилиши ва қобилиятини намоён қилаётган ўқувчиларни аниқлаш, уларга бундан кейинги ривожланиши учун барча имкониятларни яратиб бериш лозим. Бунинг учун эса: бошланғич синф ўқувчиларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришга доир шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада:

1. Ўқувчилар креатив фаолиятини ривожлантиришга доир инновацион фаолиятга тайёрлаш.

2. Ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатида ҳамкорлик фаолиятини вужудга келтириш.

3. Ижодий фаолиятни ривожлантиришда билишга доир инновацион технологиялардан фойдаланиш.

Буларнинг ҳар бири юзасидан тадқиқот давомида тайёргарликлар амалга оширилди:

-пайдо бўлган ҳар қандай муаммо бўйича ўзининг тушингани ёки тушунмаганини билдиришга қодирлик; ўзгалар нуқтаи назарини тушуниш ва баҳолай олиш, мазмунли диалог ёки мунозарали чиқишилар қилиш;

-ўрганилаётган соҳаларни тизимли кўра билиш; обьектлар алоқалари, уларнинг сабаблари, улар билан боғлиқ муаммоларни излаб топиш; ҳар қандай

## MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

объект ва ҳодиса (табиат, маданият, сиёсат ва ҳоказо) моҳиятини аниқлашга түғри ёндаша билиш;

-объектлар орасидан асосийини танлай билиш, улар орасидаги бир-бирига боғлиқликни излаш; танилган объектларнинг янги вазифалари ва алоқаларини кўра билиш; объектнинг келиб чиқиш сабабларини излашга қодирлик, объектнинг маъноси, унинг манбани топишга қодирлик;

-ўрганилаётган фанлар бўйича маълумотга, таянч билимларга малака ва кўнималарга эга бўлиш; ўрганилаётган билимнинг асосий муаммоларини мўлжалга олиш;

-таълим самараси ва синфдошларининг эришган натижаларни қиёслаё билиш, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ажратиш, шахсий таълимий натижаларни қайта аниқлаш ёки қайта ишлаш;

-маданий-тарихий ўхшашликларнинг келиб чиқиш (намоён бўлиш) сабабларини излашга қодирлик, унинг тузилишини аниқлай билиш, ўхшаш идеал объектлар билан алоқаларни топиш, идеал объектлар тизимини тузиш, уларнинг шаклланган тамойиллар ва мезонлар асосида маданий-тарихий ўхшашликларнинг тегишли реал объектлар билан алоқалари тизимини англай билиш;

-маънавий, моддий ва фаолият шаклида эришилган билимларни руёбга чиқаришга қодирлик.

**Ташкилий фаолият сифатлари:**

- ўқувчи томонидан ўзининг индивидуал хусусиятларини, феъл-авторидаги белгиларини, ҳар бир ўқув фани ва таълим соҳасидаги машғулотларнинг мақбул шаклларини билиш;

- мавзу ёки бошқа ўқув фанидан ўз машғулотининг мақсадини англаб олиш ва тушунтира билиш, нималарни бажараётганини аниқ тушуна билиш;

- янги ёки эришилмаган яхши мақсад, унга эришиш дастурининг мавжудлиги, ишни охиригача етказиш учун қатъият, мақсадга содиқлик; мақсадни қўя билиш, мақсадга интилувчанлик мақсадга эришиш учун қатъиятлилик;

- берилган билим соҳасига ёки фаолиятга ўқув мақсадини қўя билиш, унга эришиш режасини туза олиш; ўзининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланган режани бажариш; ўз натижасини олиш ва англаш; уни синфдошларининг шунга ўхшаш натижалари билан қиёслаш;

- эгалланган малакада ифодаланадиган фаолият қоидалари, унинг қонунлари тизимини шакллантириш, фаолият натижаларини прогнозлаш ;

- ўз-ўзининг фаолиятини режалаштириш, ҳаракатни дастурлаш, фаолият босқичлари ва усулларини яхшилаш, ҳаракатнинг ўзгарувчанлиги режаларнинг бажарилиши; фаолиятга ёндашувнинг хилма-хиллиги, айни пайтда турли хил муқобилларини эсда сақлаш

- “ўзининг кейинги ўқиши режасини туза билиш; фаолияти маъно мазмунини аниқлаш, натижаларни мақсадлар билан бирлаштира олиш, ўз-ўзини кузатиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолай билиш”;

**MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS**

- таълимнинг бошқа субъектлари билан ҳамда атроф-олам билан ўзаро ҳаракатга қодирлик; ўз ғояларини ҳимоя қила билиш, атрофдагиларнинг мулоҳазаларини тинглай олиш, “зарбага дош бериш”; мустақиллик, интилувчанлик, қатъиятлилик, киришимлилик;

- “ўзгалар креатив фаолиятини ташкил этишга қодирлик, бошқа ўқувчилик билан биргаликда ғоялар яратиш, унда иштирок этиш; ғоялар, баҳс, мунозараларни қиёслаш ва чоғишириш”.

Шундай қилиб эвристик таълим, кам деганда ўқувчининг учта интеграцион қобилияти; ижодий қобилияти билишга доир ва фаолиятга оид қобилиятига таянади. Демак, эвристик таълим дейилганда ўқувчининг таълим самарадорлигини таъминлашга қаратилган фаолият ва ҳаракатни амалга оширишдаги комплекс имкониятлари тушунилади

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3180-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сон Қарори.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
4. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишининг назарий асослари: Пед.фан.док... дисс. – Бухоро, 2002. – 276 б.
5. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2006. – 186 б.

